



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИИБ ТАЖРИБАСИДАН

ОДАМЛАРГА ГЎШТ КЕРАК

Бир ривоятни эшитганим бор.

Айтишларича, қадим замонларда бир бола отасига хархаша қилибди:

— Ҳамма ўртоқларим туя миниб юришади, меники эса йўқ, сиз ҳам олиб беринг!

Ота эса қўлининг қисқалигидан изтироб чекибди.

— Тўғри, ўғлим, ҳозир туя баҳоси арзон, аммо пул йўқда...

Орадан анча-мунча вақт ўтгач, бола отасига яна зорланибди:

— Арзонлигида олиб бермадингиз. Мана энди баҳоси минг сўмга чиқибди.

Отаси эса ўғлининг пешонасидан ўпибди ва ёнидан минг сўм чиқариб берибди.

— Майли, болам, мана пул, бозорга бориб туя сотиб олавер!

«Туя бир пул — қани пул, туя минг пул — мана пул» деган нақл шу аснода пайдо бўлган экан.

Улуғ Ватан урушидан кейинги даврлар ҳамон эсимда. Одамларнинг қўли калта, аммо инсоф ҳали кишилар ҳаёлидан мосуво бўлганча йўқ эди. Дўконларда қассоблар харидорни хушмуомала билан кутиб олишарди.

— Ассалому алайкум, биродар! Мана, янги сўйилган қўй. Айтган жойингиздан кесиб бераман, маза қиласиз, Кейинчалик ҳам фақат менадан гўшт олишга урганиб қоласиз!

Уша пайтларда бир кило мол гўшти 1 сўм 25 тийин, қўйники эса 1 сўм 55 тийин эди. Аммо харидорлар нари борса ярим кило гўшт олишарди холос.

Энди-чи? Бир кило гўштининг нархи 20-22, ҳатто 25 сўмга чиқиб кетди. Бу ҳам етмагандек, қассоблар харидорнинг ҳақиға хиёнат қилиш билан овора. Олган гўштининг деярли ярми чикта чиқиб кетади.

Устига-устак бу нарх шундайлигича қоладими ёки яна ошиб кетаверадими — ана шу нарса кўпчиликини ташвишга солиб қўяпти.

Оддий фуқаролар эса ноилликдан милиция ходимларига эътироз билдирашади. Гуёки БХСС вакиллари сунъий тақчилликни ва сунъий қимматчиликни кўриб-кўрмасликка олишяпти.

Аслида ҳам шундайми? Йўқ, бунчалик эмас. Нафси ўпқонга айланган қассобларни тартибга чақириш, керак бўлса жазолаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилган. Мисол учун шу йилнинг 18 июнидан 25 августига қадар Наманган шаҳрида-

ги аҳвол текшириб кўрилди. Эслатиб ўтмоқчиман, шаҳар кооператив савдо идораси мол гўштини 11 сўмдан, қўй гўштини эса 16 сўмдан пуллаш кераклигини белгилаб қўйган. Аммо 13 нафар қаллоб мол гўштини 20-22 сўмдан, қўй гўштини эса 25-30 сўмдан сотаётганлиги аниқланди. Уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилди.

Ана шундай тадбирлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилиб келиняпти.

Хўш, оқибатда нимага эришиляпти? Ҳеч нарсага!

Кўпгина қассоблар болта тушгунча кунда дам олар, деган нақлга амал қилишади. БХСС вакиллари кўздан узоқлашиши билан яна ноқонуний савдосини давом эттираверади. Ким кимни алдаяпти — тушуниб бўлмайди.

Ҳар нима бўлганда ҳам халқ жабр кўрмаслиги учун қандай йўл тутиш керак?

— Биз бир тажрибага қўл урдик, — дейди Наманган вилояти ИИБ бошлиғи полковник Баҳодир Мамажонов. — Бошқарма ҳисобидан бозордан бир бош қорамол сотиб олдик. Кейин уни гўшт дўконига сотдик. Улов ҳақи, сотувчи ҳақи, умуман ҳамма хизматлар ҳақи шу пул билан қопланди. Натижа шунки кўрсатдики, бир килоси 17 сўмдан сотилганда ҳам барибир фойда қоларкан.

Бизнинг гўштимиз ҳам колхоз бозорида пулланди. Аммо бунга «рақибларимиз» бефарқ қарашмади. Харидорни имлаб чақириб, арзон бўлсада, бизнинг гўштимизни олмасликка ундашди. Лекин халқ барибир ҳақиқатни билди!

Ҳа, ҳозир Наманган вилояти ИИБ ходимлари гўшт нархини янада арзонлаштиришга ҳаракат қилишяпти. Қандай қилиб дерсиз? Тўрақўрғон тумани тайёрлов идораси ходимлари уларга мол гўштини 16 сўмдан сотишга тайёр эканликларини билдиришди. Аммо ИИБ ва тайёрлов идораси икки вазираликка қарайди. Олди-сотди жараёнидаги пул муомаласини пухта ҳал қилиш керак.

Ҳозирги кунда бошқарма рўпарасида ва колхоз бозорида гўшт дўконлари очилган. Энди «Лола» автобекатида ҳамда Совет туманида шундай дўконлар ташкил этиш нияти бор уларнинг. Қолаверса, шаҳар кооператив савдо идораси раҳбарлари ўзларининг гўшт дўконларини ижарага беришмоқчи. Хуллас, қаловини топса, қор ёнади деганлари рост экан.

Неъматжон МАМАЖОНОВ, «Постда»нинг жамоатчи мухбири.

Рўзноманинг ўтган сонларидан бирида С. Бақоевнинг «Эски ҳаммом — эски тос» деб номланган мақоласи чоп этилганди.

Мен муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда айрим мулоҳазаларимни билдиришмоқчиман. Шаҳарда, нафақат шаҳар, ҳатто туманларда ҳам жамоат улови қатнови ниҳоятда ёмон аҳволда. Бу ҳақда марказий матбуотда ҳам, радио, телевидениеда ҳам неча марталаб гапирилган.

Ўзгариш бўладими? Ҳа, бўлади. Фақат бир, нари борса икки-уч ойга. Сўнг яна

АКС-САДО

«Эски ҳаммом — ЭСКИ ТОС»

юқоридаги сарлавҳадай.

Нега энди йўловчиларга қулайлик турдириш мақсадида бошқача усуллардан фойдаланиб бўлмайди? Қолаверса, уловлар одамлар учунми ёки одамлар...

Мен ўйлаб-ўйлаб бир фикрга келдим. Биласизларми, қачон бу борада тартиб ўр-

натилди. йўловчилар туртинмай-суртинмай, кўзлаган манзилига белгиланган вақтда етиб боришади?

Қачонки бу тармоқнинг катта-кичик раҳбарлари, автокорхона «хўжайинлари» оддий йўловчилар билан автобусма-автобус осилиб юриб кўришса. Бунинг учун эса уларнинг тагидаги хизмат машиналарини, айтайлик, «Тез тиббий ёрдам»га олиб бериш керак.

Ана ўшанда улар ишнинг энг самарали усулларини ўйлаб топишга вақтларини аямайдилар.

С. АНВАРОВ.



Қибрай тумани ҳудудидан ўтиб, Чирчиқ шаҳрига олиб борадиган йўл кенг ва раво, айни вақтда серқатнов кўчалардан бири ҳисобланади. Бу эса шу масофа оралиғидаги постларда турган милиция ходимларидан домло серганликни тақозо этади.

Суратде: Қибрай ИИБ ДАН ходимлари милиция кичик сержантлари Абдуҳамид Мусоев, Эрмат Нуроҳунов ва катта назоратчи милиция катта лейтенанти Акмал Ҳожимуродовлар нш вақтида.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

АЙНИГАН ШАЙТОНЛАР

Милиция ходимлари тунда ивирсиб юрган бир шахсни тўхтатдилар. Текширилди. Чўнтагидан иккита ғилофда 9,4 грамм марихуана топилди.

Бўлимга келтирилган Владимир Журавлёвнинг илғари ҳам шу «қизиқиши» туфайли қамалиб чиққанлиги маълум бўлди.

Ўзининг гапига қараганда, ахён-ахёнда тортиб тураркану жа унақа муккасидан

кетмаган экан. Ҳозир чўнтагидан олинган «заҳарни» ҳам ўзи ахтариб, кўнгли тусаб, кўзлари учиб сотиб олмай, балки йўлдан топиб олибди. Қаранг-а... Бир мисқоли фалон пул турадиган матоҳини шайтонлар йўлда тушириб қолдиришибди-я...

Шайтонларки гийёҳвандликка ўтишибдими, демек уларни одам йўлдан урибди.

М. ИБРОҲИМОВА.

ЖАННАТ ЖАННАТДАМИДИ?

Жаннат Маманазарованинг исми жисмига эмас, касбига монанд тушди. 85-дўконга сотувчи бўлиб ишга киргач, ростдан ҳам ўзини жаннатнинг қоқ ўртасидан макон топгандек ҳис қилди. Ишнинг кўзини биларкан, дарров бугунги кунда камёб ҳисобланаётган молларнинг ҳаммасини омборга тиқди.

Лекин беш панжа оғизга тиқилса ёмон булар экан. БХСС ва ДХҚ ходимлари «жаннатмакон» омборни текширувдан ўтказганларида, 3285 сўм 30 тийинлик фа-

қат отличқа топиладиган моллар яшириб қўйилганлиги аниқланди.

Суд Ж. Маманазаровани ЖМнинг 1722-моддасига асосланиб, тегишлича жазолади.

Айбдор тавба қилдими? Йўқ. Арзимаган жарима уни ўз йўлидан қайтара олмади.

11 январь куни харидор Л. Стреоновга умумий қиймати 15 сўмлик «Сальвир» (АҚШ маҳсулоти) олмосини 30 сўмга пуллаётганда, яна аввалгилар халақит беришди. Ходимлар бу сафар омбор-

дан харидорлар интиқ кутаётган 4738 сўм 10 тийинлик молларни рўйхатдан ўтказишди.

Яна суд. Яна жазо. Лекин олдингисига нисбатан қатъийроқ, кучлироқ. «Қаҳрамонимиз»га беш минг сўм жарима солинди ва уч йилсача «жаннат»да ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Ҳа, одамнинг исми фақат жисмига мос тушсин экан. Исmlар эса яхши ният билан қўйилади, албатта.

А. ПИРИМҚУЛОВ, Гулестон шаҳар халқ суди раиси.

М. ҲАКИМОВ, «Постда»нинг жамоатчи мухбири.

БИР ҚАДАМ

ЭКИ 1-2 СОНИЯ САБР ҚИЛМАГАН ЙУЛОВЧИНИНГ УЗИГА ВА БОШҚАЛАРГА 96 КУНЛИК КУНГИЛСИЗЛИК, ТАШВИШ КЕЛТИРГАНИ ҲАҚИДА.

«Э, дўстим, салом. Намунча камнамо бўлиб қолдингиз?»

«Салом. Ишлар кўпайиб кетди. Кечирасиз, вақтим тиз. Майли, кўришгунча!»

Одамлар қаёққа шошилишаркин? Нима учун шошилишаркин? Худди бир нарсдан қуруқ қолгандек югуришгани югуришган. Вақтнинг орқасидан қувишади. Сўрасангиз, замондан нолишади.

Мен баён қилмоқчи бўлган воқеанинг «қаҳрамонлар»идан бири ҳам сабр чегарасини бузганлиги учун жабр кўрди. Узику кўришга кўрди, лекин бошқаларни ҳам анча азобга қўйди. Воқеа бундай бўлган эди.

Зайтуна дугонаси Жамила билан «Радуга» бекатининг орқасида жойлашган дўконда ишлади. Уша куни (10 февраль) улар Зайтунанинг ойсини билан биргаликда тушликдан қайтишадиган эди. Дугоналар дўконга, Х. Халиуллина эса «Химгородок»ка бориши керак. Йўлни кесиб ўтаётган, ўртада бироз тўхтаб қолишди. Шу пайт бир автобус бекатга келиб тўхтади.

— Вой, ойи, ана 9-автобус. «Химгородок»ка боради!
— Кетиб қолмасайди.

Шундай дея Х. Халиуллина шошқалоқлик билан бир қадам қўйди. Қўйдию юзтубан йиқилди. Қизлар чинқириб юборишди...

Олмалик шаҳар ИИБ тергов бўлими катта терговчиси милиция лейтенанти Д. Аслонов 4 март куни ушбу йўловчи ҳодисаси юзасидан жиноий иш қўзғайди.

«Автостанция томонга кетаётгандим. Чорраҳадан ўтган, соатига 30-40 километр тезлик билан йўлнинг энг чекка бўлагидан юрдим (автомобилларнинг тартибли ҳаракатланиши учун йўлнинг бир томонга йўналган ҳар бир қисмида учтадан бўлак бор — Э. С.). Шу чоғ 35-40 метрлар чамаси узокликдан йўлнинг ўртасидаги йўловчиларга кўзим тушди. Оралиқда 3-4 қадам қолди ҳамки, улардан бири югуриб ўтмоқчи бўлди. Дарҳол рулни ўнгга бурдим. Лекин аёл машинанинг орқани кўрсатувчи ойнасига урилиб йиқилди. 7-8 метрлар ўтган, тўхтаб ёрдамга шошилдим».

Ҳайдовчи Абдуназар Ильтановнинг терговдаги жавобидан.

Ҳодисанинг бевосита гувоҳлари Зайтуна Акбаева ва Жамила Одиловалар ҳам ҳайдовчи А. Ильтанов жавобига қарийб ўхшаш кўрсатма бердилар.

«Химгородок»ка боришим керак эди, — деди Х. Халиуллина терговчининг саволларига жавоб бераркан. — Қизларим билан тушлик қилиб қайтаётгандик. Нариги бетга ўтаётган, йўлнинг ўртасига туриб қолдик. Шу пайт қизим мен чиқишим керак бўлган автобус бекатда турганлигини айтди. Югуриб ўтмоқчи бўлдим. Шошганимдан келаётган машинани кўрмай қолибман. У ёни нима бўлди — билмайман. Кўзимни очганимда касалхонада эдим».

Д. Аслонов ҳодиса юз берган жойни обдон текширди. Йўловчилар турган жой билан урилишгача бўлган масофа 1 метру 30 сантиметр эки бир-бир ярим қадам. Шу оралиқни жабрланувчи қанча вақтда босиб ўтган? Терговчи уни ҳам аниқлади. — 1,2 сония. Машина тўқнашувдан сўнг 7 метру 60 сантиметр ўтиб тўхтаган. Тезлик соати 40 километр. Хўш, тўқнашувгача ҳайдовчи машинани тўхтатиб қолиш имкониятига эга бўлганми? Ана шунини аниқлаш керак. Бунинг учун суд-автотехник экспертизаси ўтказиш лозим.

8 май куни экспертиза ҳулосаси олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Ҳайдовчининг йўловчини уриб юбормаслик учун техник имконияти бўлмаган. А. Ильтановнинг ҳатти-ҳаракатида ССЖИ йўл ҳаракати қондаларига хилоф ҳолатлар кўринмади».

Масала аён. Д. Аслонов ушбу ишда жиноят аломатлари йўқлиги туфайли, уни 17 май куни тўхтади...

Х. Халиуллина нари-бериси бир сония чидаб тура олмади. Бир сония! Аммо ҳодисанинг бевосита ва билвосита иштирокчилари эса тўқсон олти кун азоб чекишди. Уй — терговчи — иш, иш — терговчи — уй. Ва яна хавотир, тушкунлик, умид тўқсон олти кун Абдуназар ва унинг қариндош-уруғларини тарк этмади. Тикан устида юришди гўё.

Нима, 9-автобус биттамиди? Эки Х. Халиуллина ўша автобусдан қолиб кетса, «Химгородок» қочиб кетармиди?

Замондан нолиймиз. Вақтни қизганамиз. Бир сониянинг қадр-қимматини ўзимизча тушуниб югурамиз, югураверамиз. Қаёққа?..

Эркин САТТОРОВ.

Йўл эътибор ва маҳоратни талаб қилади. Озгина бепарволик нафақат ўзингга, балки бошқаларга ҳам кўп жабр-ситамлар етказиши мумкин. Узини ва ўзгани ҳурмат қилган ҳайдовчи ҳеч қачон маст ҳолатда рулга ўтирмайди.

Шухрат эса бунинг аксини қилди. Маст бўлгани ҳолда шахсий автомашинасида йўлга чиқди. Пойтахтнинг Зиё Саид кўчасига етганда йўл ҳаракати қондаларини кўпол равишда бузиб, рўнарадан келаётган «Москвич-412» белгилли уловга бориб

МАСТЛИК ОҚИБАТИ

урилди.

Тўқнашув натижасида турмуш ўртоғи Н. Тўйчиева ва «Москвич-412» белгилли улов ҳайдовчиси Н. Саматов, унинг йўловчилари К. Зарипов ва Т. Зариповалар турли даражадаги тан жароҳатлари олиб, касалхонага ётқизилдилар.

Бундан ташқари «Москвич»га 1010 сўмлик техник зарар етказилди.

Ушбу жиноий ишни кўриб чиққан Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ суди Ш. Исоқовнинг айбини тўғри шарҳлаб, 2 йилга озодликдан, 3 йилгача улов воситасини ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Жумҳурият ЖМнинг 43-моддасига асосланиб 2 йил синаш муҳлати берилди.

М. ИСРОИЛОВА.



Доим шунақа. Навбатдаги хабар олиндики, опергуруҳ оёққа туради. Қандай бўлмасин, жиноятчини қўлга олиш керак.

Сиз суратда кўриб турган опергуруҳ ходимлари Оқдўрғон тумани ИИБда хизмат қилишади. Олинган янги хабар уларни йўлга бошлади. (Юқоридаги сурат). Ҳар бир дақиқани ганимат биллиб, қилинган ҳаракат ўз самарасини берди. Анчадан бери қидирилатган жиноятчи қўлга олинди (иккинчи сурат).

Суратларни Ҳабибулла ШОДИЕВ олган.



СОХТА НОВВОЙ

Бекорчи бўлиб юрган Тоҳир Умаров зерикканиданми эки шайтон йўлдан урдими, ҳарқалай айланаб Гулистон шаҳар ошхона ва ресторанилар трестига қарашли 2-новвойхона олдига келиб қолди. Бу ерда мудир бўлиб ишлаётган дўсти билан суҳбатлашди. Дардини тўқай деса, у ҳаддан зиёд банд. Узини қизиб турган тандирга уриб нон ёпаяпти. Иссиғига дош бера олмаган

Тоҳир чеккада кута бошлади. Шу пайт харидор яқинлашди. Тоҳир унга 30 та нон тутқазаркан, узатилган 10 сўмин олиб, 4 сўм қайтим берди. Харидорнинг ёнида турган БХСС ходимлари Тоҳирнинг бу савдосидан ажабланиб, текшириш ўтказдилар. Натижада харидорнинг ҳақидан 3 сўм уриб қолгани маълум бўлди.

Гулистон шаҳар халқ суди ҳеч қандай ваколати йўқлигига қарамай савдога қўл урган ва харидорнинг ҳақига хиёнат қилган Т. Умаровга 400 сўм жазима солди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

«БЕШ ҚАҲРАМОН» МАШИНА ОЛИБ ҚОЧАРЛАР

Давлат рақами бўлмаган «ВАЗ-2109» машинасида келган беш нафар йигитчалар «Марказ-5»даги машиналар сақланадиган жойда тушишди. Тўппа-тўғри майдонга ўтиб, ҳеч қандай рухсатсиз машиналарни кўздан кечира бошладилар. Ниҳоят кўзларига яхши кўринган «ВАЗ-2106» машинасининг ён ойнасини синдириб, олиб қочмоқчи бўлишди. Бироқ бу ерда ушбу машина эгасининг танишлари қараб туришган эди. Улар бунга йўл беришмади. Бегоналарнинг қаршилик кўрсатиши «беш қаҳрамон»нинг иззат-нафсига тегиб кетди. Ўртада муштираш бошланди. Оқибатда «ҳимоячи»лардан икки киши касалхонага тушди. Машина олибқочарлар эса кўздан гойиб бўлишди.

Лекин милиция ходимларининг тезкорлиги иш берди. 1964 йилда туғилган И., 1963 йилда туғилган С. ва 1967 йилда туғилган В. лар қўлга олинди. Маълум бўлишича, уларнинг бирортаси ҳам ҳеч қерда ишламаган экан.

Беркинишга улгурган «беш қаҳрамон»нинг иккитасини қўлга олиш учун чоралар кўриляпти.

С. СУЛАЙМОНОВ.

Саккиз йил. Ҳазил гапми? Инки яшар гўдак ўн ёшли, ўн яшар бола ўн саккиз ёшли бўлади. Мана, ўзиям 32 ёшда, қамоқдан 40 ёшли бўлиб чиқади.

Бой берилган йиллар ҳам майли, умр бўйи қотил деган тамға билан юришни айтмайсизми. Қариндош-уруғ олдидаги иснод-чи?

Фарҳод аввал ҳам қамалган эдику. Наҳотки гуноҳини ювиш ўрнига, бадтарини содир қилса.

Аслида ҳаммасига ўша «аввал»и айбдор. Чунки қўли ўша пайтда қамоқхонада танишиб, дўстлашган ўртоғининг қонига бўялди. Ахир у эмасмиди Фарҳоднинг ҳисобига яшамоқчи бўлган? Бир майизни баҳам кўришга қасамлар ичиб, бу ерда — очикда ундан пул талаб қилиб таҳдид солаётган қамоқда бирга ўтирган оғайниси эмасми?

Ботир Фарҳоднинг уйига

келганида соат уч бўлганди. Аввал 100 сўм сўрарди. Бу гал 200 сўм талаб қилди.

— Яна уст-бошимни ҳам алмаштириб олсам. Милиция пайимга тушган. Қўлимдаги милтигини сезиб қолишди. Менга қара, сен ҳам қийин! Милтиқни йўлдаги чакалак

ДЎСТИНГДАН ТОП

зорга иргитувдим. Қидиришга ёрдам берасан.

Фарҳод унинг ваҳшийлигини биларди. Шу сабаб индамай итоат этди.

Ботирнинг ўткир кўзлари панд бермади. Қуролни ўзи топди. Бу ўртоғини тун ярмида хилватга бошлаб келишига бир баҳона бўлган экан.

Қирқма милтиқни кўпқаватли уйлардан бирининг ертўласига яшириш ниятида пастга тушдилар. Зинанинг

охирги погонасини ҳатлаган замонақ Ботир Фарҳоднинг кўксига қуролни тиради.

— Оғайни, хафа бўлма. 5 минг берасан, тамом-вассалом.

Сўнг дўстининг асабларини синамоқчи бўлдими эки ўқи йўқлигини билармиди—

тепкини босди. Икки марта ширқиллаган овоз келди. Эртаси куни пулга келган Ботирни Фарҳод Юнусобод даҳасида яшовчи ўртоғиникига бошлади. Соат тунги 12 лар эди.

— Агар қуруқ қайтадиган бўлсан, чавақлаб ташлайман, эсингда бўлсин!

Фарҳоднинг асаби ўйнади. Бир тепиб Ботирнинг қўлидаги пичоқни учуриб юборди, шу вақтнинг ўзида то-

моғига чанг солди. Иккови пичоқ ёнига ағанадилар. Чап қўли билан томоғини сиққанча, ўнг қўли билан пичоқни олиб кетма-кет дуч келган жойига ура бошлади.

Улганига ишонч ҳосил қилгач, йўл четига чиқариб ташлади.

Қўллари қип-қизил қонга бўялган Фарҳод опасининг уйига бориб йиғлади.

— Мен одам ўлдириб қўйдим. Яна қамашади. Сиздан илтимос, болаларимни ёлғизлатиб, хор-зор қилиб қўйманг! Чиксам, ўзим боқиб оламан кейин.

Аммо эртаси куни «Кайф устида айтдим-қўйдимда», — дея баҳона қилди.

Бироқ касални яшириб бўлмас экан.

Тошкент шаҳар Киров тумани халқ суди Фарҳод Камолитдиновни 8 йил тутқунликка маҳкум этди.

Нур БАДИЯ.

Исмон ШОМУРОДОВ.

«Мен покликка ҳаракат қилдим»

Эҳ, орган ходимлари менга фақат шу аёлни раҳбар бўлмасин деб, мени ҳақимда ҳар хил уйдирма тўқиб, Латофатга сен ҳам ўйнашмисан, нега сенга машина, уй олиб бермайди? Агар Номозовни ишдан ҳайдатсанг, ўлдирсанг, юз минг сўмлик уй қуриб берамиз, — деган кимлигини билмайман. У киши Арнасойдан экан. Исми фамилиясини айтмади.

Менинг бир гуноҳим В... да 17 минг сўмлик кооператив уйга кўпроқ ёрдам бермаганлигим.

Илтимосин уйни қизига, ўғлига беринглар!

29.09.90 й. (имзо). 2.00
Ана шунақа. Хат кимга қандай таъсир қилди — билмайману лекин бир нарсани, уни ўлим талвасасида турган одам ёзганлигини унутмаслигимиз керак. Бу кўп, жуда кўп нарсани белгилайди. Инсон қилган ишлари учун вақти келиб ҳисоб бериши керак-ку. Ҳеч бўлмаса ўз виждони олдида. Агар туйғулар алдамаса. Марҳум афсус чекмоқда. Сўнгги хатни чуқур хўрсиниш билан бошладими, демак унинг ҳам ҳаётдан умиди жуда кўп бўлган. Ҳар кимнинг ҳам ҳеч бўлмаса бир марта ўз виждони олдида ҳисоб бериши бор. Ушанда ҳисобни «эҳ» деб бошламаслик керак. Шундай бошламаслик учун эса, фикримча, бир умр ҳаракат қилмоқ даркор.

Инсон қанчалик ёмон бўлмасин, унинг сўнгги тавбаси ҳамма вақт қабул қилинади. Агар сидқидилдан айтилса. Марҳум қилган гуноҳларини бўйнига олган ҳолда ҳаммадан кецирим сўраяпти. Уни худо раҳмат қилсин.

ҲАР қандай одамнинг ҳам ичида иккита «мен»и бўлади, бири яхшилик, бири ёмонлик. Бири ниманидир хоҳласа,

(Боши ўтган сонда).

иккинчиси унинг тескарисини истайди. Ўзини ҳаётдан маҳрум қилган кишининг эса иккинчи «мен»и ўлган бўлади, деб ўйлайсизми? Беҳуда. Фақат бири иккинчисидан жуда юқорилаб кетса керак. Уша нимжон «мен» сўнгги дақиқаларда қанчалик талвасага тушди экан? Ҳаёт ширин. Ундан ҳеч ким ўз ҳолича кечолмайди. Сарой шифтига арқон оса туриб, ўз ҳаётининг сўнгги сатрини ёзаётган «мен»ни қанчалик қийналганини тасаввур қила оласизми? Демак, марҳумни тушунасиз. Энди шу одамни яна бошқа бир ҳолатда кўз ўнгингизда жонлантиришга тўғри келади. 32 ёшга тўлаётган чиройлигина жувонни шимининг қайиши билан бўғиб ўлдираётган ҳолда.

Негадир «қотил» дейишганда ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда аллақандай бадхулқ, ҳайвонбашара, ҳеч қанақа инсоний сифати бўлмаган бир махлуқ намоён бўлади. Аслидаку биламиз, қотиллар ҳам сизу менга ўхшаган одам. Уларда ҳаммамизда бўладиган хусусиятлар бор. Масалан, қотил неча йиллар давомида бутун бир туманга раҳбарлик ҳам қилиши мумкин экан. Умуман, улар биринчи навбатда одам, инсон... Шунинг учун ҳам қотил.

Номозов маданиятли раҳбарлардан эди. Мен эса уни шу ишга қўл урганга ишонмасдим. Негадир бунга катта бир жиноятчилар гуруҳи аралашгандек туюлаверарди.

Туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлими маси катта оператив вакили [Ҳозирда туман ИИБ бошлиғи ўринбосари] Баҳодир Норов билан суҳбатдан: [27 октябрь 1990 йил].

— Раисни, балки осиб кетишгандир?

— Экспертиза тасдиқламади бунни.

— Латофат тирик юрган бўлиши мумкинми?

— Мумкин эмас. Номозов ўзининг хатида уни ўлдирганини очиқдан-очиқ ёзган. Фақат қаердалиги номаълум. Ҳозир барча имкониятларни ишга солиб қидираяпмиз. Афсуски, бизда сув тубларини кўрадиган, текширадиган аппаратлар йўқ. Шунинг учун ҳам айрим жойларнинг суви қуришини кутишга тўғри келади.

— Умид (собиқ ҳайдовчи)нинг ўзини отиб қўйишига нима дейсиз?

— Текшираяпмиз. Мен ўйлаганчалик эмас



экан. Бундай олиб қараганда ҳаммаси бўлмагур нарсаларни деб содир бўлган экан.

Латофатни эса узоқ қидиришди. Олти ой. Ҳарбийлар жалб қилинди. Самолёт, вертолётда ҳаммаёқ кўриб чиқилди. Ҳадеганда натижа кўринавермади. Ва маълум бўлдики, ё ички ишлар идоралари қидируви ҳеч нарсага арзимайди, ёки қидирувчилар ерга эмас, осмонга қарашган. Хуллас, арнасойлик милиция лейтенанти Мақсуд Ниёзов балиқ овига бориб, Фориш туманининг Чимқўрғон хўжалиги ҳудудидан аллақандай мурда қолдиқларига дуч келади. Ўлим даҳшати. Бунисини эса нима дейишни ҳам билмайсан. Мурда айниган. Жонзотлар унинг гўштларини еб қўйишган эди. Бўйнида эса эргаклар шими-

нинг қайиши. Уни таниш қийин бўлмади. Тақинчоқлари, кийим-кечакалари орқали шахси дарҳол аниқланди. Латофат экан. Унда ҳозирги нарх бўйича 6 минг сўмликка яқин тилла тақинчоқ ва буюмлар бўлган. Ҳаммаси бутунлигича сақланган. Мурда анҳор ёқасидаги йўлдан 40-50 метрлар чамаси ичкарида ётган экан. Номозов машғум тунда уни ўлдириб, ўша ёққа ташлаб келган. Эндиги энг жумбоқ бўлиб турган нарса Латофатга 100 минг сўм ваъда қилган киши эди.

Б. Норов билан суҳбатдан: [11 май 1991 йил].

— Латофатнинг мурдаси топилибди, очиқда экан. Қандай кўрмай қолдиларингиз?

— Тўғриси айтсам, умуман, биз кутмаган, ўйлама-

ган томондан чиқди. Уша жойлар самолёт ва вертолётлардан туриб бир неча бор кўрилган. Мурда буталар остида бўлганлиги сабабли фаҳмламай қолганмиз.

— Умид ва раис ўлимларининг боғлиқлиги аниқландими?

— Латофатни ҳам тезлаган шу Умид бўлиб чиқди. Хатда ёзилган ўша «кимдир» у экан. Латофатнинг онасини кўрсатмаси бўйича, уларни Самарқандга олиб кетаётиб, йўлда Латофатни тезлаган экан. Тўғри, у юз минг ваъда бермаган, лекин бариб тезлаган.

— Сабаб?

— Номозов унга қайсидир заправкани олиб бераман деган экан. Олиб бермаган. Қайтанга ишдан бўшатиб юборган. Хусумати бўлганда шунга. Иккаласининг алоқаси бир қарашда яхши бўлган. Умид раиснинг топширигини ишдан бўшагач ҳам бажариб юрган.

— Умид иккинчи маротаба терговга чақиришгандан кейин ўзини отиб қўйган. Бунни қандай тушуниш керак?

— Терговчилар томонидан қандайдир қўрқитишлар бўлганми, демоқчисизда? Йўқ. Ундан фақат раиснинг қаерларга бориши, қайси йўллардан юриши сўралган.

Туман прокурори А. Абзамов билан суҳбатдан:

— Ука, ҳозирги кунда инсоннинг қадр-қиммати энг асосий ўринга чиқмоқда. Шу чоққача давлат манфаатлари эди... Гуноҳкорларнинг ҳаммаси ўлди. Ёзиш шартмикин? Уларнинг ҳам фарзандлари бор... Нодир ака яхши раҳбар эди. (барибир қотил — И. Ш.) Бунақалар кам бўлади. Раҳбар ҳам биринчи навбатда раҳбар эмас, биринчи навбатда одам. Уларда ҳам кўнгил деган нарсалар бўлади. Сен бунни тўғри тушун. Ҳозирги кунда кўпгина аёллар амалдорлардан фойдаланиш, шантаж қилиш мақсадида шу ишларга қўл урмоқда. Чор-ночор аҳволда аёлларнинг, қизларнинг ўзларини сотиши янада кўпаяди.

(Давоми келгуси сонда).

«Тосида» — СИЗ ИСТАГАН РУЗНОМА!

АГАР —

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТГА МУҲТОЖЛИК СЕЗСАНГИЗ,

ЯНГИ ҚОНУН ШАРҲЛАРИ БИЛАН ТАН ИШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,

ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИР ЭГАЛАРИ БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,

ҚАТАҒОН ЙИЛЛАРИ ҚУРБОНЛАРИ ҲАҚИДА БИЛМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,

ЖИНОЯТЧИЛИК БИЛАН ҚУРАШ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР БУЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ,

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ

ЭШИТИЛИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ,

АДОЛАТСИЗЛИКДАН НАЖОТ ИСТАСАНГИЗ,

СИРА АДАШМАСДАН «ПОСТДА»ГА ОБУНА БУЛИНГ.

У БУ ЙИЛ НАРХИ ОШМАГАН ЯГОНА РУЗНОМАДИР.

ОБУНА БАҲОСИ — БИР ЙИЛГА 15 СЎМ 60 ТИЯИН, ЯРИМ ЙИЛГА 7 СЎМ 80 ТИЯИН,

УЧ ОЙГА 3 СЎМ 90 ТИЯИН.

ОБУНА РАҚАМИ (ИНДЕКСИ) — 64615.

КЕЛГУСИ ЙИЛИ РУЗНОМАНИНГ СОТУВДАГИ НАРХИ ОШИШИ МУМКИН. ОБУНА

НАРХИ ЭСА УЗГАРМАЙДИ.



Аёл аёллигича қолган

Мен рўзноманинг 28 сентябрь кунги сонидан босилган «Меҳрибоним, қайдасан?» мақоласини синчиклаб ўқиб чиқдим.

У «Табиат кимни ва нимани яратишни яхши билади. Унга шукур қилмай таҳрир қилсалар, шак-шубҳасиз кўз чиқаришади. Бугунги ўзбек аёли инқилоб таҳрир қилган хатонинг сувратидир», — деган жумла билан бошланган.

Менимча, бошланишининг ўзида хатога йўл қўйилган. Негаки туғруқхоналарда ҳар замонда чақалоқлар ҳеч қутилмаган нуқсонлар билан туғиладилар. Бундай пайтларда шифокорлар муаллиф айтгандек «табиат кимни яратишни яхши билади», демасдан, «унга шукур» қилмасдан нуқсонларни бартараф этишади. Демак, бу «табиатни таҳрир қилиб, кўз чиқарган» ҳисобланадими?

Ҳозир инқилобнинг нотўғрилиги ҳақида гап кетяпти. Менинг фикримча, инқилоб бўлмаган тақдирда ҳам таъқиёт ўзбек аёлини паранжидан озод қилган бўларди. Ёки бошқача йўли топиларди.

Замонавий шоирларимиз Зулфия. Ойдин Ҳожиева, Эътибор Охунова, Гулчеҳра Жўраева ва бошқалар ўз меҳнатлари, ижодлари билан элга танилган аёллар.

Улар муаллиф орзу қилаётган ўз хонадонларига (давлат ишида бўлганлиги учун) ярашмабдими? Бир эркакнинг сеvimли бекасию қатор қора кўзларнинг меҳрибон онаси эмасми?

Мен Ҳалима Худойбердиевани ёшгина қизлигидан танийман. У ўткир зеҳни, тиниб-тинчимаслиги билан ўзгалардан ажралаиб турарди. Ҳозирда кўзга кўринган шоира, жумҳурият халқ ноибиди. Армия хизматини ўтаётган бемақсад ҳалок бўлаётган фарзандлари доғида юракбағри ёнаётган оналаримиз тақдирини, ҳақ-ҳуқуқи учун курашмоқда.

Бу билан айтмоқчиманки, Ҳалимадан ёки у каби юртимиз равнақи, миллатимиз гурури, тақдирини учун фидойилик қилаётган аёлларимизнинг «юзи, сўнг руҳи бепарда»микан? Наҳотки улар — «давлат ишидан ортмаётган» аёлларимиз, табиийликдан узоқлашган, эрнинг инжиқликлари, болаларнинг хархашаларини сиздирилмаётган бўлишса?

Менимча, барча аёлларни бир гуруҳ «бепардаларга» тенглаштиришнинг ўзи калтабинликдир. Пардали, ҳаёли, ифратли, одобли бўлиш учун паранжи ёпиниш шарт эмас.

Тарих паранжи остида қилинган фоҳишаларнинг ҳам гувоҳидир. Беҳаёликни чочвон билан яширишдан не наф?

Ҳар даврнинг ўз чипқонлари, тиканлари бўлади.

Инқилобдан олдин ҳам Зебунисо, Увайсий, Нодирабегим сингари кўплаб ўқимшли, маърифатли аёлларимиз бўлган. Чор девор ичида ўтириб газаллар битгани қанча. Уларда мақола муаллифи сингари ўз ижодларини матбуотда ёритиш имкони бўлмаган.

Кези келганда яна бир нарсани эслатай. Муаллиф яқиндагина рўзнома ўқувчиларига Қутлибека Раҳимбоевани таништириб, унинг Қорақалпоғистондан Тошкентга келиб ўқигани, ўз тақдирини, ижоди учун курашгани, ҳозирда Тошкентда истиқомат қилишини ҳавас билан ёзганди. Орадан бир ой ўтмай кўнгли паранжи тусаби, «Паранжини олиб ташлаш шак-шубҳасиз аёлларга эмас, инқилобга керак бўлган...» — деб «Хужум»га ҳужум қилган.

Аммо ўзи мақолада келтирганидек: «Хужум» юртимизга турли миллатларни қалаштириб ташламаба» Қутлибека шу даражага эришармиди-йўқмиди?


Фикрларнинг пойма-пойлиги этиқоднинг, мантиқнинг йўқлигидан далолат бермайдими?

Бундан ташқари «...Аёлни уйга қайтаришдан олдин ўзига қайтариш керак, шунда у ўзи уйга қиради», — деган жумлалар аёл шаънига мос гаплар эмас. Аёл аёллигича турибди, уни ўзига қайтаришга ҳожат йўқ. Шу ўринда мақола эгасига савол бергим келади. Нега ўзингиз ота-онангизнинг иссиқ бағрини ташлаб келиб бу ерда ўқиб, ишлаб юрибсиз? Уйга «қайтадиган», «уйнинг бекаси» бўлиб ўтирадиган одамга дипломнинг нима кераги бор? Ўз этиқодингизга (агар буни шундай аташ мумкин бўлса) амал қилмас экансиз, бошқаларга нега уни маслаҳат берасиз? Қолаверса, остона ҳатлаб чиққанда паранжи ёпиниш гоёсини илгари сураркансиз, марҳамат, ёпиниб чиқинг. Ҳеч тортинманг. Ҳозир бунга ҳеч ким монетьлик билдирмайди.

Мақола охиридаги «Меҳрибоним қайдасан?...» дегани тўрт деворни ёки паранжи истагимиз — тушунолмадим.

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиман. Қўлига қалам олиб, ижод майдонига тетапоя қилиб кириб келаётган ёшлар кўнглига нима келса ёзиб, кенг ўқувчилар ихтиёрига дангал муҳокамага қўйишдан олдин, ўзлари чуқурроқ ўргансалар, таҳлил қилсалар. Чунки:

«Олдинга келгани эмоқ ҳайвоннинг иши, Оғзига келгани демоқ нодоннинг иши», — деган донолар. Революция ҲАСАНОВА.



СПОРТ КУНИ

ТОШКЕНТ ўрта махсус милиция мактабидан ўтказилган спорт кунини жуда қизиқарли бўлди.

Тантанали сафдан сўнг бошланган мусобақаларда яқиндагина курсантлик либосини кийган йигитлар чаққонликлари, жисмоний бақуватликларини намойиш этдилар.

Бир пайтнинг ўзида бўлган футбол, волей-

бол ва арқон тортиш беллашувларида 1 «А» ҳамда 1 «Б» курс толиблари биринчилиكنи қўлга киритдилар.

Ғолибларга мактаб раҳбариятининг ёрлиқлари топширилди. Бу каби спорт мусобақалари толибларнинг ўқишига ҳам ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Мирхон МИРАҲМЕДОВ,
Суратда: спорт кунидан лавҳалар.
Суратлар муаллифи Т. САИБЕКОВ.


ЎЗГАРИШЛАР БОР

Бутун жумҳуриятимизда бўлгани каби иқтисодий танглик қўқонликлар ҳаётига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Жиноятчилик кўпайгандан кўпайди.

Янги сайланган раҳбар милицияни халқ билан яқинлаштириш, жиноятчиликни камайтириш мақсадида бир қанча ишларни амалга оширди.

М. РАҲАБОВ.

КИДИРИЛМОҚДА



Тошкент вилояти Оржоникидзе тумани ички ишлар бўлими томонидан 1957 йил 21 декабрда Андижон вилояти Избоскан туманида туғилган, Оржоникидзе тумани Матқобулов қишлоғи худудидан яшовчи Абдуҳалим Аҳмаджонович Ибрагимов қидирилмоқда.

Эғнида қора костюм, қора шим, оёғида туфлиси бўлган. Чап кўзининг қорачиғида кичкина доғ бор.

Уни кўрган, учратган, тўрар жойини билганлардан яқин атрофдаги милиция идорасига «02» рақами орқали хабар қилишни сўраймиз.

БРУСЛИ КЕРАКМИ ЁКИ ФАРҲОД?

Ҳар бир ота-она фарзандининг қаерда, нималар билан машғул эканлигини, кимлар даврасидалигини билиши керак. Афсуски, кўпчилик болаларни тергаб туришмайди.

Масалан, Жомбой шахридаги видеосалон кунин билан ўсмирларга тўла. Унда кўрсатилаётган фильмлар мазмунини эса ҳаммамизга таниш: зўравонлик, фақш, шафқатсизлик.

Ичкари қоронғу. Ешу қари ўзаро ҳайвоний муно-

сабатларни қамраган фильмни томоша қилишмоқда. Ҳамманинг кўзи намойиш этилаётган ваҳшийликка қаратилган. Биринчи кирганларида ёвузлик, шафқатсизлик эди. Ҳозир одабий бир ҳол.

Мана фильм воқеаларидан ҳаяжонланиб, асабийлашиб, кимларнинг қони гупириб, синарет тутатишмоқда. Ёшлар ҳам оғизларига палирос олишади. Гўёки шундай қилишса, ўзларини босиб олишармиш.

Ачинарлиси, шаҳарнинг бир чеккасида яшайдиганлари ҳам кунда бир марта бу ерга ташриф буюришни қанда қилишмайди.

Тўғри, шахсга эркинлик бериш керак. Аммо она суги оғзидан кетмай тарбияси бузилиб, онги заҳарланаётган ўсмирларга қандай эркинлик бериб бўлади? Видеосалонларга бирон монетьликсиз кириб, хоҳлаган «томоша»сини кўраётган болаларга бундан ортиқ яна қандай эркинлик

керак экан?

Қолаверса, мўмай пул топши дардида юрган «видеочилар» емирланган кадритларимиз, меҳр-оқибатларимиз устидан галаба қозонганликларини намойиш қилмаётдилармикан?

«Брусли» каби муштум-зўрлар Фарҳодларимизнинг ўрнини олмаётими?

Наҳотки ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этадиган бошқа бирон нарса ўйлаб топши мумкин эмас. Иложи бўлмаган тақдирда видеосалонларни йўқ қилиш чорасини кўриш лозим.

Нишон МЕЛИЕВ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаханаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегияси МВД Республикаси Ўзбекистан 26399 нусхада чоп этилди.